



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 26 март, жума № 52 (1685)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ С.Бегалиевни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Сайдулло Бегалиев Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 25 март

Бир Фармон шарофати

## АМНИСТИЯ ТУФАЙЛИ

қанчадан-қанча маҳкумлар жазони ўташ маҳкамаларидан қайтиб, ҳаётда ўз ўринларини топдилар

Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 173-моддаси 5-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилиб беш йил озодликдан маҳрум этилган Абдуҳақиқовани ҳаёт йўли оқийди. У бир томони Фарғона ва Марғилон шаҳарлари бўйлаб чўзилиб кетган Ермозор даҳасида дунёга келди. Катта оилада ўсиб-ўлғайди. Маъмурият 8-синфини тамомлаган, ўйдоғиларга оз бўлса-да, қўмақ бериш мақсадида дастлаб қишлоққа тўташган Фарғона ноҳ. заводига ишга кирди. Тиришқоқлиги тўғрисида ўн йил давомида ана шу жамоада ишлади. Кейинроқ пахта ни қайта ишлаш корхонасига ишга кириб 23 йил шу ерда хизмат қилди.

Жиноят кўчасига қандай кириб қолдингиз? - сўраймиш ундан. - Нимасини айтмай, ҳаммаси ҳушёрликни йўқотишимдан бошланди. - дейди у чуқур тин олиб, - тасодифан қувалик Азиз исми йигитни танишиб қолдим. У ишга кириш ниятида бизнига тез-тез келиб кетарди. Тўғриси, мен ҳам уни аслида ким, нима иш билан машғул эканлигига ўнчалик қизиқмаган эканман. Муносабатларимиз яхши эди. Бир кун ишдан кетаётсам Азиз келиб қолди ва мендан оддий ишчиликка бўлса-да, бир амаллаб иш гаплашиб беришни илтимос қилди. Кўп ўтмай йигит ишчилар ётқонасидаги хонага кириб келди. Ҳаммаси бир зумда рўй берди. Милиция, гувоҳлар... Уша ҳолатни сўз билан ифодалашим қийин. Тергов жараёнида унинг гўёҳанд моддаларни савдоси билан шугулланиб юрганлигини билдим. У соддаликдан фойдаланиб «маҳсулотини» аширишча бизнига олиб кирган экан. Шу тариха мени ҳам гўёҳанд моддаларни яширганликда айблаб ҳужм ўқиди. Қамқонда ўтказган бир куним, ўн йилларга татийди. У кунларни бир дам бўлса-да хотирлагим келмайди. Хайриятки, бахтимга Фармон олий эълон қилиниб, мен каби адашганлар эркин ҳаёт бағрига қайтди.

Қамқонда нималар ҳақида ўйладингиз? - Тўғриси, ўз яқинларимни жуда соғинганим. Улар билан ҳар сафар учрашганда дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетарди. Чунки фарзандларим ва набираларим улғайиб бораётган бўлса-да уларга ўз оналик, бувилик меҳрини беролмаётганимдан азият чекардим. Меҳнат билан ишчи-хизматчилар, маҳалла-қўй эътиборига тушган Мавхуда опани йўқлагувчи кўп бўлди. Энг аввало пахта ни қайта ишлаш корхонасидаги бир кўнгли сўраб, яна билар ишлашга тайёр эканликларини билдиришди. - Уйга келганимдан сўнг вилоят прокуратураси, маҳаллий ҳокимият ва ижтимоий кўнкама марказлари амалий ёрдам кўрсатишди, дея сўзда давом этади опа. - Тиббий хизмат, ижтимоий турмуш тарзига кўниктириш мақсадида ажратилган моддий ёрдам пуллари берилди. Энг эътиборли томони, мен яшаган ишчилар ётқонасида фаолиятда бўлган Шунга қарамай уйсиз, жойсиз қолмадим. Шаҳар ҳокимлиги ва ижтимоий кўнкама маркази ҳамкорликда икки хонали уй билан таъминланди. Фарғона пахта ни қайта ишлаш корхонасига оператор бўлиб жойлашдим. - Президентимизнинг Амнистия тўғрисидаги Фармони инсонпарварлик тимсоли, - дейди Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўнкама маркази раҳбари Музаффар Маматқулов. - Амнистия тўғрисида қанчадан-қанча адашган фуқаролар эркин ҳаётга қайтди. Фармоннинг яна бир эътиборли томони, маҳкумларнинг фақат озодликка чиқарилиши эмас, балки улар саломатлигини назорат қилиш, ижтимоий турмушга қўниктириш, иш билан таъминлаш ҳамдир. Ўтган давр таҳлилларига қарайдиган бўлса Президентимиз Фармонидан сўнг вилоятимизда вояга етмаганлар, ногиронлар, 60 ёшдан ошган кексалар, эҳтиёсизлик тўғрисида жиноят содир қилган 345 нафар фуқаро жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилди. Шунингдек, Фармонга асосан вилоят ички ишлар бўлими, жазони ижро этиш инспекцияси томонидан 2129 нафар шахсга ҳам амнистия қўлланилиб, уларнинг 1865 нафари жазодан озод этилди. Айримларнинг жазо муддат қисқартирилди.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, мамлакатимиз Конституциясининг ўн бир йиллиги муносабати билан эълон қилинган Амнистиядан сўнг ҳозиргача 500 нафар вилоят фуқароси жазони ўташ маҳкамаларидан ўз яқинлари бағрига қайтди. Уларга 6 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Расулжон КАМОЛОВ, «Ишонч» мухбири

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буёқ ватандошимиз, ўз даврида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган ва бой маънавий мерос қолдирган улуг мутафаккир Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, дин ишлари бўйича қўмита, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Амир Темур жағғармаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
2. Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда: Хожа Аҳрор Валий асарларининг кўлемли манбаларини кенг, ҳолисона талқин ва ёндашувлар асосида ўрганиш, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўлаш ва нашр этиш; Самарқанд шаҳрида «Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тугган ўрни» мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгилансин.
4. «Ўзбекино» миллий агентлигига алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий-ҳужжатли фильмини суратга олиш топширилсин.
5. Маданият ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанд туманидаги мезморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширсин.
6. «Ўзбектуризм» компаниясига Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Нуроний» жағғармаси билан биргаликда Хожа Аҳрор Валий номи билан боғлиқ қадимжоларга юртдошларимизнинг зиёратларини ташкил этиш вазираси топширилсин.
7. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Узелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот васиталарига Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 25 март

## Индижон виллоятда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони яна иккитага кўпайди. Наврўз кунлари виллоят маркази ва Балиқчи туманида «Эмтекс» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ҳамда «Балиқчиктекс» Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонаси ишга туширилди.

Корхоналар очилишида сўзда қикқан Индижон виллоят ҳокими К.Обидовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда виллоятда юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. У янги қўшма корхоналар ҳам улар каторидан муносиб ўрин эгаллашига ишонч билдирди. - Мамлакатингиз билан иқтисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришни мен асосий вазифалардан бири деб ҳисоблайман, - деди Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фахуллода ва мухтор элчиси Р.Уман. - Бундай сармоёлар доимий асосда умумий тарихга эга бўлган икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамлаш учун хизмат қилади.

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАСИ

сармоёлар йўли билан ташкил этилди. - Ўзбекистондаги кўп йиллик иш фаолиятим тажриба-

сидан келиб чиққан ҳолда шунга айтишим мумкинки, бу ерда сармоядорлар учун қулай муҳит мавжуд, - дейди «Эмтекс» бош директори У.Саригул. - Маҳаллий хома-

миллион маҳсулот бирлигига тенг. - Бу қўшма фаолиятимизнинг биринчи босқичидир, - деди «Эмтекс» ижро директори С.Зайнабиддинов. - Иккинчи босқичда корхона Фарғона водийсидаги ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқарадиган трикотаж матоларни бўяш имкониятига эга бўлади.

Қўшма корхона бўяш фабрикасини таъмирлашнинг ўзига 195 минг АҚШ доллари ажратди. Бу ерда янги ускуналар ўрнатилиб, улар ёр-



Индижон виллоятда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони яна иккитага кўпайди.

шадан турли хил юқори сифатли трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади. Қўшма корхона қуввати - йилга 2,5

даими маҳсулотларни донлаб бўяш амалга оширилмоқда. Ҳозир иккита цехда дастлабки танловдан ўтган 200 та тикучи меҳнат қилмоқда.

Аста-секин ишчиларнинг сони 800 кишига етказилади. Қўшма корхонада меҳнат қилиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча ижтимоий-مائий шароитлар яратилган.

Шу кунгек Балиқчи туманида бошқа қўшма корхона - учта ҳамкор саёй-ҳаракатлари билан барпо этилган «Балиқчиктекс» корхонасининг тақдими бўлиб ўтди. «Schulz export-import» фирмаси президенти В.Шульц маросимда сўзга чиқиб, Ўзбекистонда чет эл инвесторларини жалб қилишга қаратилган мақбул инвестициявий ва солиқ сивсати олиб борилаётганини таъкилади. (Давоми 2-бетда)



Индижон виллоятда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган корхоналар сони яна иккитага кўпайди.

## 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

## БОЛАЛАР БАЙРАМИ

тонда фаолият юритувчи чет эллик дипломатлар таъриф буюрди. Меҳмонлар ёш артистларнинг маҳоратига юқори баҳо беришди. Улар шу ерда ташкил этилган болалар амалий ва тасвирий ижоди кўргазмасини зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Бу ташкилотлар меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчиларининг баркамол ўсишига йўналтирилган дастурларни амалга оширишда «Sen Yoig'iz Emassan» жағғармаси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хайрия ташкилотининг очилганига бир йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлиб, унинг мақсади - ота-она гамхўрлигидан маҳрум бўлган бо-

ларлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ташкилот уларни ижтимоий қўллаб-қувватлайди, ёш иқтидорларни аниқлашга ҳамда уларнинг қўшимча таълим олишига ёрдам беради.

Ушбу вазифаларини бажаришда жағғарма ҳузурида ташкил этилган ўқув марказининг ўрни катта. Бугун бу ерда Тошкентдаги меҳрибонлик уйларининг 200 дан ортиқ тарбияланувчиси шуғулланади. Улар математика, кимё ва инглиз тилини ўрганмоқдалар. Бир нечта ижодий студиялар - хореографик, драматик, тасвирий санъат тўғрисидаги фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, «Sen Yoig'iz Emassan» жағ-

гармаси болалар учун театр спектакллари, цирк томошалари, таниқли артистлар иштирокида концертлар, кўргазмалар ташкил қилади, спорт мусобақалари ўтказиши. Ота-она меҳридан бе-баҳра болаларнинг соғлиғи ҳам диққат марказида. Пойтахтнинг энг етакчи шифохоналари уларни тиббий назорат остига олган.

Меҳр ва мурувват йилида жағғарма ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаштирган. Қўшимча маблағ жалб қилиш учун махсус ҳисоб рақами очилган бўлиб, унга давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар, жумладан қўшма корхоналардан бадаллар келиб тушади ҳамда ушбу маблағлардан хайрия мақсадларида фойдаланилади. (ЎЗА)

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Чилонзор туман ободонлаштириш бошқармаси баҳорги юмушларга ҳар йилгидан анча барвақт киришди. Тумандаги мавжуд 30дан ошмиқ кўча юзидида мевали ва манзарали дарактлар оқланиб, шакл берилди. Маҳаллалардаги машич чикиндилар тозаланиб, ободонлаштирилди. Кўнгилочар, дам олиш масканларида гулзорлар барпо этилиб, 100дан зиёд турли хил даракт кўчатлари ўтказилди. Айниқса, Фарҳод, Халқлар Дўстлиги кўчаларида, Оқтепа майдонларида баҳорги юмушлар амалга оширилди. Атроф-муҳит озодлигини сақлаш, табиати муҳофаза қилиш борасида ҳам бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, ҳовуз бўйларини тозалаш, қўриқ қолган дарактлар ўрнига янги ниҳоллар экиш, йил бўйи баҳорини манзарани сақлаб қолтириш йўлида амалий ишлар бажарилмоқда.

## «СИНО»НИНГ ЯНГИ МУЗЛАТГИЧЛАРИ

Самарқанд шаҳридаги «Сино» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти замонавий машич музлатгичларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонадаги эскирган термосизлаш линияси Италиядан келтирилган илғор технологияга алмаштирилди. Натиждада электр энергия сарфини камайишига ҳамда харидорлар эътиборини қозонишга эришилди. Янги технологиянинг жорий этилиши тўғрисида «Сино»да ишлаб чиқарилаётган музлатгичларнинг рақобатбардoshiлиги ошди. Йилнинг охирига қадар корхона 10 минг данга маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган. Музлатгичларни қўшни давлатларга экспорт қилиш эса жамиятга 400 минг АҚШ доллари олиб бериши кутулкимоқда. Д.ЖОСИЛОВ, «Ишонч» мухбири

## ФЕРМЕР ОЛДИДАГИ ТЎСИҚ УНИНГ ЕЧИМИ БОРМИ?

Самарқанд вилоятида фермерлик ҳаракати қўламини кенгайтириш борасидаги ишлардан қониқиб ҳосил қилиш мумкин. Деярли барча туманларда бир нечта, Пайарикда эса барча ширкат хўжаликлари тўлиғича фермер хўжаликларига айлантирилган. Ер, мулк ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтгани яхши, албатта. Бироқ муаммолардан, фермерлик фаолиятига қалал бераётган тўсиқлардан кўз юмиш ҳам бўлмайди. Биринчи муаммо. Маълумки, сентябр-октябр ойларида галла экиш учун ер ҳайдаш, тайёрлаш, кейин уни ўқитлаш талаб этилади. Бунинг учун техника, ёнилғи, ўқит олиш керак. Лекин айни шу пайтда фермернинг ҳисоб рақамиди маблағ бўлмайди. Чунки жорий йил ҳосили учун ҳисоб-китоб амалга оширилмоқда. Тайёрлов идоралари ҳисобот йили

акунланмагунча топширилган ҳосил учун тўловни амалга оширишмайди. Фермер улардан пулни ундириб олгунча Наврўз эшик қоқиб қолади. Тўғри, ҳукуматимиз фермерларга имтиёз сифатида кредит олиш, келгуси ҳосил ҳисобидан бу қарзни тўлаб бериш имкониятини яратиш кўйган. Лекин банк муассасалари билан бу борда шартнома тузиш, кредит маблағини ажратиш ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Негаки, баъзи ҳолларда банк маблағи етишмаслиги рўқат қилинади. Аксарият фермерлар техника хизматидан фойдаланиш, ёнилғи ёки ўқит олиш учун МТП, «Қишмида маблағ бўлмайди» ҳамда нефт маҳсулотлари корхоналари эшигиди қўнлаб сарсон қилишмоқда. Энди уйлаб кўринг. Бу идораларга ўн

Фикримизча, ҳамма муаммоларнинг илдизи айрим маҳаллий раҳбарларнинг эскича иш услубига боғлиқ тақаллади. Уларга қолса ҳатто муастқил фаолият юритадиган фермер ҳам эшигиди қўнлаб қилиб турса! Бунинг учун турли усулларни ҳам ўйлаб топади. Масалан, собик раҳбарлардан бири «Қишлоқхўжалиқимё» корхонасининг туман бўлими бошлиғига «Ўғитни аввал ширкат хўжаликларига, кейин фермерларга берасан», дея буйруқ берганига шахсан гувоҳ бўлганман. Шудорлаш, галла ўриш мавсумида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. МТП иктиридаги техникалар аввало ширкат хўжаликларига хизмат кўрсатади. Оқибатда чорасиз қолган фермер даласини ноябрдагина ҳайдата олади. Галлани кеч экади. Кеч экилган галла ҳосилдорлиги эса албатта паст бўлади. Ёзда фермер қомбайнлар ширкат хўжаликлари хизматидан бўшашини ку-

## Журналист нуқтаи назари

тишга мажбур. Ўз вақтида ўрилмаслигидан дон тўкилиб, ўнч бир қисми нобуд бўлади. Бунинг оқибатидан етадиган зарар фақат фермер доираси билан чегараланмайди. Каттароқ миқёслардаги салбий таъсирини аниқлаб етиш лозим. Мулоҳаза юритайлик. Масалан, фермернинг ер майдони, парвартишланадиган экин тури, агротехник тадбирларнинг тури ва бажаланиши вақти олдиндан маълум. Сарфланадиган, талаб қилинадиган ёнилғи, ўқит қабилар миқдорини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Демак, ҳар чоракнинг бошида шу чоракда бажариладиган ишлар учун етарли ёнилғи, ўқитни фермерга етказиб бериб қўйиш керак. Айниқса, пули олдиндан тўланган бўлса. Таъминот ва хизмат кўрсатиш бўйича тузилган ўзаро шартномаларни ҳам шунга мос тарзда ўзгартириш керак. Ёки мазкур ташкилотлар томонидан шартномавий шериклар билан келишган ҳолда шундай жадал ёки тартиб ишлаб чиқилиши керакки, фермерлар ўзларига керак ўқитни, ёнилғини ҳафтанинг, ойнанинг аниқ белгиланган маълум кунларида муқаррар оқиб кетадиган бўлсин. Мутасаддилар оқибат-этибори шуларни ҳисобга олган ҳолда муаммоларнинг ечимига қаратилса фикримизча айни иш бўларди. Аниқроқ айтганда, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ишнинг тартибга солиш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш асосий вазифалардан биридир. Ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ тадбиркорлари (фермерлар) фаолиятини турли даражадаги вакилар орқали назорат қилиш ўрнига уларда шартномавий мажбуриятлари тўла-тўқмас ва ўз вақтида бажариш маъсулиятини шакллантириш мумкинроқ. Ана шундангина бунёдкорлик меҳнатида кўпроқ завоқ олинди, фаолиятдаги машаққатлар чекинади. Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири



Ҳаётини лавҳалар

**БАҒРИКЕНГЛИК**

Институти тугатиб энди иш бошлаган пайтларим. Тахририят топириги билан бир идорага бордим. Аксига олиб эндигина мажлис бошланган экан. Кутишга аҳд қилдим. Котиба, ёши ўтинқираган рус аёли менга пиёлада чай узатди. Кейин соф ўзбек тилида ёшимни, қаерда туришимни суриштира бошлади. Хайрон бўлдим. Чунки ўша пайтларда русларнинг соф ўзбек тилида сўзлаши, бунинг устига ўзбекона мулозамати жуда кам учрарди. Саволларига жавоб қайтарарканман, учдан:

— Қаерда ўзбек тилини бунчалик яхши ўргангансиз, — дея сўрадим. У мулойимгина кулимсираб кўйди-да, хикоясини бошлади:

— 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонга кўчиб келганмиз. Меҳнатда суяги қотгани учун отамнинг маҳалладагилар билан тил топишиб кетиши осонроқ келди. У ўша пайтларда ўзбекларнинг бағрикенглиги-ю меҳнаткашлиги ҳақида гапириб қарламасди.

Кўчиб келган дастлабки кунларимизда эрталаб азонда эшигимиз тақилларди. Чикиб қарасак, саватда мева ёки челақда сутқатик кўйиб кетилган бўларди. Атрофда эса ҳеч ким йўқ. Идишни бўшатиб, ичига пул солиб кўярди. Яна чиқиб қарасак, пулини қолдириб кетишган бўлишарди.

Дарвоқе, онам касалманд, оилада катта фарзанд бўлганимиз учун бозор-учар менинг зиммамда эди. Гўшт харид қилиш учун гузарга чиқсам, қассоб кўпинча самоварчи билан бир чеккада суҳбатлашиб ўтирган бўларди.

— Ха, қизим гўштга чиқдингми? Ана турибди. Олгин-да, пулини буйранинг тагига кўйиб кетавер, — дерди у.

Харидимни олиб, буйранинг тагини кўтарсам бир дунё пул. Ишонччи қаранг. Тез орада оиламизнинг барча аъзолари маҳалланинг ўз одами бўлиб қолди. Оғир кунларимизга маҳалладошлар яради. Аиникса, уруш йиллари отам фронтга кетгач, биздан мурувватларини аяшмади. Бутун маҳалла бир жону, бир тан бўлиб яшарди. Ахир, бундай яхшилик, бағрикенгликни унутиб бўладими?..

**МЕҲР КЎРГАН — МЕҲР КЎРСАТАДИ**

Маҳалламизда Абдували ота деган қария яшарди. Ёлғиз кампири билан каттагина ҳовлида туришарди. Бир кун иларнинг уйда оқ-сарикдан келган бола пайдо бўлиб қолди. Исми Муҳиддин экан. Ўзбек тилини яхши билмаслиги учунми, дастлаб болаларга қўшилиб кетолмади. Лекин бора-бора ўртоқ бўлиб кетдик. Муҳиддин биз билан ўйнаётганда Абдували ота келиб:

— Уни хафа қилманглр, урушмай ўйнанглр, — деб тайинларди. Бора-бора у «ўзимизники» бўлиб қолди. Шундай бўлса-да, Абдували ота ва кампири уни еру кўкка ишонимасди. Кўпинча ўйнаётганимизда Муҳиддиннинг онасининг орқасидан юриб: «Қорнинг оч эмасми?» деб сўроқлар, чўнтагига у-бу егулик солиб кетарди. Варрак учирлида эса ҳеч ким унинг олдига тушолмасди. Чунки энг яхши варрак Муҳиддинники бўлиб, уни Абдували ота ўз кўли билан ясаб берарди.

Йиллар ўтди. Ўрта мактабни тугатдик. Муҳиддин Ленинграддаги олий ўқув юртида тахсил ола бошлади. Энди чол-кампири ўғилларидан мактуб кутишарди. Ёзги таътил пайтларида эса уларнинг хонадонни тўйхонага айланиб кетарди.

Муҳиддин ўқишни тугатгандан сўнг чол-кампири уни уйлантириб қўйишди. Набирали бўлишди. Тақдир экан, орадан кўп ўтмай Абдували ота вафот этди. Қариндош-уруғлар маслаҳатлашиб, отанинг маросимларини кўплашиб ўтказишмоқчи бўлдилар. Шунда Муҳиддин:

— Ҳимматларингга раҳмат! Лекин отамнинг барча маросимларини ўзим ўтказаман. Бу менинг фарзандлик бурчим, — деди.

Барча маросимлар рисоладагидек ўтди. Муҳиддин эшикда бел боғлаб турди. Меҳр кўрган, меҳр кўрсатади, деб шунга айтишса керак-да.

**БИР ОШАМДАН БЕРСА ТҮЙДИРАДИ**

Қишлоқда ҳамманинг оғзида бир гап. Кимсан Азим дўкончининг уйи ёниб кетганмиш. Кимлардир унга чин дилдан ачинар, кимлардир эса...

Қишлоқ кексалари маслаҳатлашиб дўкончининг уйини хашар уюштириб, қуриб берадиган бўлишди. Ким нима топса, шуни келтирди. Пахса урадиган усталар ҳам қишлоқдан чиқди. Нафсиламборини айтганда, пул ёмон нарса. Азим дўкончининг чўнтагига бироз пул тушгач, оёқ олиши ўзгаргани ҳам рост. Лекин бутун уй-жойи, мол-мулки ёниб кетгач, буни юзхотир қилиб ўтириш шартми. Бу ёқда қиличини ялонг-очлаб, қиш келаяпти. Болалари ёш.

Хуллас, хашар кун тайинланиб, унда бутун қишлоқ аҳли қатнашди. Тез кунда уй ҳам битди. Шунда ҳамқишлоқлари яна химмат кўрсатдилар. Биров шолча, яна биров кўрпача ёки ёстиқ кўтариб келди. Бир ошамдан берса тўйдиради, деб бежиз айтишмаган экан. Дўкончи қишгача бола-чақси билан янги уйга кўчиб кириб олди. Жонлик сўйилиб, қон чиқарилди. Хизматда яна қишлоқдошлар. Бундай меҳру оқибатдан Азим дўкончининг кўзларига ёш келди:

— Раҳмат азизлар, сизларнинг ҳам яхши кунларингизда хизмат қилай!

Неъмат РАФИҚОВ

**Бизнинг Жарости қишлоғимиз** Иштихон туманининг чекка қишлоқларидан бири. Бу ерда ёшу қари спорт ишқибози. Шу босдан бўлса керак, мўъжазгина қишлоғимиздан кўп спортчилар етишиб чиққан. Жумладан, олий лигада тўп сураётган Сайфулла Шариповнинг номини республикамиздаги футбол мухлислари яхши билишади. Қолаверса, Самарқанд футбол интэрнат мактабида ўнга яқин шу қишлоқ фарзандлари тахсил олишмоқда. Улар республика, маҳаллий футбол клублари ўйинларида вилоят, республика бўйича фахрли ўйинларни кўлга киритиб келаятирлар.

Бир вақтлар қишлоғимизда «Жарости» деган футбол жамоаси бўларди. Ушбу жамоа нафақат ширкат хўжалигимизда, балки туманда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келган. Бундан ташқари, қўшни Оқдара, Гузалкент, Каттакўрғон туманларида ўтказилган турнирларда голиб бўлишган. Қисқаса, жамоа туманимиз фахри эди.

Бугунги кунда ҳукумати-миз болалар спортини ривожлантиришга алоҳида

**СПОРТ ЗАЛИ Жарости қишлоғи ёшларининг орзуси**

этибор қаратапти. Лекин афсуски, бизнинг хўжалиқдаги, қишлоқдаги аҳвол бунинг акси.

Бошқача айтганда, бу ердаги ўйингоҳнинг бугунги шароити ачинарли. Чунки, ёғингарчилик пайтларида бу

ерда футбол ўйнашнинг бирор имкони йўқ. Шу сабабдан спортга чанқок ёшлар бундан бир неча йил олдин қишлоғимиз чеккасидаги хозирда даярли бўлиб ташланган ферманинг томи устида футбол ўйнашади.

Унинг усти хашак сақлаш учун худди иккинчи қаватдек ёпилган. Емиш ташлаш учун мўлжалланган бир тарафи очик.

Усмон Носир номли 68-ўрта мактаб 90-йиллардан кейин бизнинг Жарости

Тахририятга хат

ҳамда қўшни Гузон қишлоқлари ахлининг хашари билан бунёдга келган. Буни қарангки, ўқувчиларнинг толеига бу ерда ҳам спорт зали йўқ. Қўришиб турибдики, хўжалиқда спортга бўлган эътиборни ва спорт кўмитасининг қилаётган ишларини оқлаб бўлмайди.

Яна бир гап. Йил давомида Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган футбол баҳсларини инобатга олмас, бошқа спорт турларига, жумладан, кураш, баскетбол, волейбол, сузиш, қараёт, теннисга даярли эътибор берилмайди. Мусобақалар ўтказилмайди. Уйланиб қолсан киши, нахотки қишлоғимиз ёшлари спортнинг ҳамма турларида ўзларини синаб кўришни хоҳлашмаса? Ахир, бу ишга

жиддий киришилса қанчадан-қанча иктидорли спортчилар етишиб чиқиб, туманимиз, республикамизнинг номини бутун дунёга ёйиши турган гап. Қолаверса, Президентимиз «Ҳеч қайси нарса мамлакатни спортчилик дунёга машҳур қила олмайди» деган фикрларида шуни назарда тутганлар-ку.

Ширкат хўжалигимиз қатор йиллардан буён ғалла, пахта топшириш режаларини ошиги билан бахариб келди. Аммо хўжалик раҳбарияти, қолаверса, туман спорт раҳбарияти ваъдадан амали ишга ўтиб, муаммоларни қачон ҳал этишаркин?

Б.ОДИЛОВ, талаба



Бўз туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида янги савдо дўкони ўз фаолиятини бошлади. У ўн минг нафар қишлоқ аҳолисига савдо хизматини кўрсатмоқда. Дўкон пештахталарига озик-овқат, саноат, қандолат ва сабзавот маҳсулотлари қўйилган. Албатта, бундай янгилик хўжалик аҳлига манзур бўлди.

Суратларда: янги савдо дўкони. Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 15 мартдаги 10-0420/1762 сонли ажримига асосан «СНТН» хусусий фирмасини банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод туман солиқ инспекцияси ходими Б.А.Маҳкамов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 29 март 2004 йилда соат 11-00 да ўтказилди. Кузатишга оид ишлар Миробод тумани ДСИ Нукус кўчаси 23а уй 602-хонада давом этмоқда. Банкротлик иши 29 апрел 2004 йилда Тошкент шаҳар Хўжалик судида соат 10-00 да 4-залда кўрилади.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 15 мартдаги 10-0420/1761 сонли ажримига асосан «Улфат бизнес» хусусий фирмасини банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод туман солиқ инспекцияси ходими А.А.Гобуров тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 29 март 2004 йилда соат 11-00 да ўтказилди. Кузатишга оид ишлар Миробод туман ДСИ Нукус кўчаси 23а уй 602-хонада давом этмоқда. Банкротлик иши 29 апрел 2004 йилда Тошкент шаҳар Хўжалик судида соат 10-30 да 4-залда кўрилади.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 18 мартдаги 10-0420/1805 сонли ажримига асосан «Умум сервис» хусусий фирмасини банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод туман солиқ инспекцияси ходими А.Алимов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 29 март 2004 йилда соат 11-00 да ўтказилди. Кузатишга оид ишлар Миробод туман ДСИ Нукус кўчаси 23а уй 602-хонада давом этмоқда. Банкротлик иши 29 апрел 2004 йилда Тошкент шаҳар Хўжалик судида соат 14-00 да 4-залда кўрилади.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 18 мартдаги 10-0420/1804 сонли ажримига асосан «Қорабой» хусусий фирмасини банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод туман солиқ инспекцияси ходими А.Б.Халилов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 29 март 2004 йилда соат 11-00 да ўтказилди. Кузатишга оид ишлар Миробод туман ДСИ Нукус кўчаси 23а уй 602-хонада давом этмоқда. Банкротлик иши 29 апрел 2004 йилда Тошкент шаҳар Хўжалик судида соат 14-30 да 4-залда кўрилади.

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2004 йил 18 мартдаги 10-0420/1803 сонли ажримига асосан «Тошкент вилоят муниципал биржаси» МЧЖни банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, унга нисбатан қузатув жараёни бошланди. Муваққат бошқарувчи этиб Миробод туман солиқ инспекцияси ходими Р.Х.айдаров тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 29 март 2004 йилда соат 11-00 да ўтказилди. Кузатишга оид ишлар Миробод туман ДСИ Нукус кўчаси 23а уй 602-хонада давом этмоқда. Банкротлик иши 29 апрел 2004 йилда Тошкент шаҳар Хўжалик судида соат 12-00 да 4-залда кўрилади.

**РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ**  
**БАНКЛАРИДАН БИРИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT**  
**«ПАХТА БАНК»**

2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан Сизларга «Саховат» муддатли омонат турини таклиф этади. Мазкур омонатга бўш пул маблағингизни «Пахта Банк»нинг истаган филиалида қўйишингиз ва ҳар ойда йиллик 38 фоиз миқдорда даромад олишингиз мумкин!



**«ПАХТА БАНК»**  
**ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

**«ЯНГИОБОД ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРИ ДИҚҚАТИГА:**

- 2003 йил якунлари бўйича 2004 йил 18 март кунини жамият маъмурияти биносидан ўтказилган умумий мажлисда қатнашган 20000 овозга эга 1 та акциядор
- Кворум 100 фоиз
- Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари:
1. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи 20000 овоз билан тасдиқланди.
  2. Жамият директорининг меҳнат шартномаси бир йилга 20000 овоз билан узайтирилди.
  3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Аудитор хулосаси 20000 овоз билан тасдиқланди.
  4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 20000 овоз билан тасдиқланди.
  5. Жамият Кузатув кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи 20000 овоз билан тасдиқланди.
  6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси 20000 овоз билан тасдиқланди.
  7. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадлари тақсимлаш ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби 20000 овоз билан тасдиқланди.
  - 7.1. 2003 йил якуни бўйича жамият томонидан олинган 6606 минг сўм соф фойданинг 5 фоизи заҳира фондига, 10 фоизи жамиятнинг ривожлантиришга, қолган 85 фоиз дивидент тўловларига йўналтирилиши 20000 овоз билан тасдиқланди.
  - 7.2. Жамиятнинг ҳар бир акциясига 208 сўм 75 тийин дивидент ҳисобланди ва акциядорга дивидент тўлови умумий мажлис ўтказилган кундан 60 кун муддат ичида берилиши 20000 овоз билан тасдиқланди.
  8. Жамиятнинг 2004 йилги иш режаси (бизнес плани) 20000 овоз билан тасдиқланди.
  9. Жамиятнинг 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 20000 овоз билан тасдиқланди.
  - 9.1. Зарур ҳолларда сметага ўзгартириш киритиш ваколати Кузатув кенгашига берилсин.
  10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркиби ўзгаришсиз қолдирилиши 20000 овоз билан тасдиқланди.
  11. Жамият низоми ўзгаришсиз қолдирилиши 20000 овоз билан тасдиқланди.
- Кузатув Кенгаши**

## ЧЕМПИОНЛАР яхши шaroнтда мураббийлар шижоати туфайли вояга етади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» қарори келажакдаги эгаларнинг баркамол инсонлар бўлиб етиштирилиши учун бекиб берилган шижоатини яна бир намунаси бўлиб хизмат қилади.

Болалар спортини маҳаллалардан, мактаблардан бошлади. Асосий маҳорат масканлари — бу болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидир. Бугунги кунларда Тошкент вилояти қасаба уюшмалари кенгашининг жисмоний тарбия ва спорт жамаиеси тасарруфидига 782 та куйи жисмоний тарбия жамоаларидан 12 таси болалар ва ўсмирлар спорт мактабидир. Бу мактаблардаги ёшлар спортнинг 18 тури билан мунтазам шугулланиб келмоқдалар.

Жисмоний тарбия ва спорт ишлари жойларда қай даражада эканлиги асосан куйи табақа спорт йўриқчилари ва айниқса мураббий-

лар иши билан белгиланади. Ҳозирги кунларда ушбу мактабларда 73 нафар олий маълумотли, 55 нафар ўрта махсус маълумотли мураббийлар ишлаб турибди. Уларнинг 14 нафари олий тоифали, 32 нафари биринчи тоифали, 18 нафари иккинчи тоифали мураббийлардир. Б.Писаревский, Б.Аноркулов, Л.Ким, И.Хегай, И.Сиддиков, Б.Жуманкулов, Б.Абдураимов каби ушбу мураббийларнинг меҳнатлари самараси туфайли халқро мусобақаларда голиб ва совриндор бўлаётган ёшлар сони кўпайиб бормоқда.

Вилоятдаги 4-сонли миллий спорт турларига ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Дилшод Мансуров 2003 йилги беллашувларда жаҳон чемпиони бўлди ва Олимпиадага йўллана олди. Шунингдек, олимпия заҳиралари спорт мактаби тарбияланувчиси Эгамназар Акбаров ҳам Осиё биринчилигида совринли ўринни қўлга киритди.

Утган йил мобайнида, — деди вилоят спорт қўмитасининг раиси Но-

## ФИФАНИНГ МУҲИМ ҚАРОРИ

Футбол оламида икtidорли, маҳоратли ўйинчиларни бошқа мамлакат чемпионатларида иштирок этиши одатий ҳолга айланган. Айниқса, Осиёда футболни ривожлантириш мақсадида жаҳон спортида танилиб улгурган футболчиларни миллий чемпионатга тақлиф қилиш тобора анъана тусига кириб бормоқда.

Аслида бу ишни ўтган асрнинг охирида Япония бошлаганди. Японлар ёши ўтиб, футболчилик фаолиятини якунлаш арасида турган машҳур футбол юлдузларини ўз жамоаларига жалб қилди. Кунчиқар мамлакатга келган жаҳон, қитъа чемпионатлари совриндорлари, муҳлисус мутахассислар эътиборига тушган футболчилар «нафақага» чиқиб олди. Моддий имкониятларини анчагина яхшилаб олиш билан бирга, шу мамлакат футболчи ривожига улкан хисса қўлди. Бугун эса Япония терма жамоасини жаҳон ва қитъа микдосида қандай даврга эга экани маълум.

Қатар футболни мутасаддилари ҳам японияликлар туган йўлдан боришни маъқул кўрмоқда. Бу мамлакат шайхлари ўз клубларига Аргентина терма жамоасидан энг кўп гол киритган Габриэл Батистута ва жаҳон чемпиони Клаудио Канижа, Германия терма жамоасининг собиқ сардори Штефан Эффенберг ва Марио Баслер, Европанинг кучли чемпионатларида ўзини кўрсатган Али Бенарбия каби танилиб футбол юлдузларини тақлиф қилган. Айнан мана шу омили бугун Қатар футболчи ривожига туртки бўлаётди.

Бирок, Қатар футболчи мутасаддиларининг хоржилик футболчиларга ҳаддан зиёд ишониб юборгани кўпчилигим муҳлисус мутахассисларга ёқмади. Гап шундаки, араблар 2006 йили Германияда ташкил этиладиган жаҳон чемпионатига чиқиш илминига терма жамоани бир неча хоржилик футболчилар билан куйитиришга ҳаракат қилмоқда.

Маълумотларга қараганда, Қатар терма жамоаси раҳбарияти Германия чемпионатида

Қатарнинг жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари пайтида ва бу йил бўладиган Осиё чемпионати олдида бу қадар «кучайиб» кетиши, Халқро футбол уюшмаси — ФИФА мутасаддилари эътиборини тортиди. Утган hafta Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлган ФИФАнинг навбатдаги йиғилишида Қатар масаласи ҳам қўриб чиқилди.

Мазкур йиғилишдан сўнг ФИФА қабул қилган қарор қатариликларни хайрон қолдирди. Халқро футбол уюшмаси мутахассислари бундан буйи бирон терма жамоада ўйнайдиган футболчининг ўзи, ёки ота-онаси, ҳеч бўлмаганда ота-бобоси уша юрда туғилган бўлиши кераклигини эълон қилди. Шунингдек, футболчи терма жамоада ўйнаш учун шу мамлакатда камидан икки йил яшаган бўлса ҳам ҳисобга ўтаради. Бу қарорни ФИФА президенти Йозеф Блаттер бир мамлакатда туғилиб, бошқа юрт шаҳрида химоя қилиш футбол мактабига салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги билан изохлади.

Ўз навбатида Қатар футбол уюшмаси раҳбари Мажд Ал-Хулайфий қайси футболчининг тақлиф қилиш терма жамоанинг икки иши эканини билдириб, ФИФА қарорини танқид қилди.

Қатар терма жамоасининг бирварақайига ўн нафарга яқин бошқа миллат, ўзга юрт футболчилари билан куйитирилиши мизтақадаги ўн хохламасдан, яна беш франциялик ўйинчиларни терма жамоага қачқиртирди. Франсиялик Тьерри Анри, Зайнидин Зидан, Патрик Виейра, Винсент Лизаразо каби футбол юлдузлари билан рақобат тугамига тақлиф қилинган. Бирок, қатарликлар бразилиялик футболчилар билан куйитирилишни хохламасдан, яна беш франциялик ўйинчиларни терма жамоага қачқиртирди. Франсиялик Тьерри Анри, Зайнидин Зидан, Патрик Виейра, Винсент Лизаразо каби футбол юлдузлари билан рақобат тугамига тақлиф қилинган.

«Бордо», Фредерик Пьиссон («Ренн»), ярим химоячилар — Стефан Зитани («Нант»), Ян Дяшур («Осер») ва химоячи Валерий Измаэль («Вердер») ҳам қатарликлар эътиборига тушанди.

## Болалар спорти

дир Баходиров, — 3 нафар халқро тоифадар спорт устаси, 26 нафар спорт устаси, 113 нафар спорт усталигига номзодлар, 172 нафар биринчи тоифали, 1264 нафар оммавий разрядли спортчи ёшлар етишиб қиди. Жойлардаги мураббийларнинг малакаси ва маҳоратини ошириб бориш орқали чемпионлар сонини ҳам куйитириб бориш ниятидамиз.

Афсуски орамизда бир неча йиллардан буйи мураббийлик қилиб, биронта кўзга кўринарли спортчи тайёрлаб келатган спортчи-тарбиячилар ҳам бор. Бу ўринда улар ойлик машқури камлигини, маблаг етишмаслигини, жиҳозлар, ускуналарнинг камлиги ва яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини, шароитнинг оғирлигини баҳона қиладилар. Аслида уларнинг ўзларини билим ва малакалари етишмади.

Болалар ва ўсмирлар мактаблари жамоаларининг раҳбарлари мана шу кийинчилик даврида ташаббускор бўлиб, ўз маблагларини ташкил этишлари учун ҳар бир мактабга юридик шисх мақоми берилади. Банкларда ўз хисоб рақамларига эга бўлган спорт мактаблари маъмурияти спорт анжумлари сотиб олиш ва ҳужалик харажатлари учун маблаг топиш ҳаракатида бўлмоқдалар. Бу борада

Бўстонлик туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Тошкент туманидаги 4- ва 1-мактаб фаолиятини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Болалар спортини ривожлантиришда муҳим масалалардан яна бири — бу спорт иншоотлари масаласидир. Афсуски, уларнинг аксарияти замон талаблари даражасида эмас. Мавжуд спорт залларининг учдан бири қисми қишда иситилмайди, оддий душхоналар йўқ. Лекин «олма пиш, оғзимга туш» деб ўтирган билан шароит яхшиланиб, имкониятлар яратилиб қолмайди. Ушбу вазиятда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари раҳбарлари яғни, замонавий куйайиларга эга бўлган коллеж, лицейлар билан ҳамкорлик қилсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Бекободдаги Анохин номли болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шаҳардаги Ўзбекистон металлургия комбинати қасаба уюшма ташкилотини тасарруфига ўтказилиб, молиялаштириш йўлга қўйилди. Бу ҳам оғир вазиятдан қийш йўлларидан бири ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби келгусидаги дунё танийдиган бўлажак чемпионлар мактабидир.

Темур ХАЙДАРОВ,  
«Ишонч» мухбири



Арсасой тумани фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими мудариси Муниса Усмонова қарийб 19 йилдан бери ушбу масъулиятли вазифани бажариб келмоқда. Талабчанлиги ва жонқурлиги боис халқ меҳрини қозонди. Эътиборли томони шундаки, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошидаги яраштурув комиссиялари билан ҳамкорликда иш ташкил этилган. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида тумандаги оилалар ўртасидаги ажралишларнинг сони сезиларли даражада камайди.

Б.НОРКУЛОВ  
олган сурат

## Оролбўйи: репродуктив саломатлик

Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ демографик вазият аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли тадбирларни амалга оширишга тақозо этиди. Республика ҳукумати, халқро ташиқлотлар экологик аҳолини муътадиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш дастурларини ишлаб чиққандлар.

Она ва бола соғлиги яғни авлод камолотида халқ қилувчи ўринни эгаллайди. Минтақада юзага келган экологик вазият, сувдан қуриган ҳудудларда туз тўзонининг хуружи, ичимлик суви ва ҳаво таркибининг ёмонлашуви аёллар ўртасида қамқонлик, эндокрин, аллергик, касалликларга қалиниш ҳолатларининг куйайишига сабаб бўлди.

«Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш ҳақидаги Қонун талаблари асосида тиббиёт мутасаддилари, шифохоналар, поликлиникалар томонидан аҳолини тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, беморларни ҳисобга олиш, оналик ва болаликни муҳофаза, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Қорақалпоғистонда 416324 нафар туғиб ёшидаги аёллар, 223724 нафар 14 ёшгача, 36759 нафар балонат ёшидаги қизлар бўлиб, улар тиббий кўриқдан ўтказилди, — дейди республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти Нукус филиали директори-ни даволаш ишлари бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Серигул Қўзорова. — Хотин-қизлар репродуктив саломатлигини мутахассислар, соғлом наслини тарбиялаш экстренитал касалликларнинг олдини олиш шифокорларнинг доимий эътиборида турибди.

Бутунжаҳон банкининг «Саломатлик» лойиҳасига асосан кейинги икки йил ичда республикага 732 миллион 845 миғ тиббий ускуналар келтирилди. «Евроэйда» дастури, Оролни кўтариш халқро жамғармаси қўмағида даволаш-профилактика мутасаддилари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Қорақалпоғистон ва Швейцария ҳукуматлари, «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти билан ҳамкорликда 650 ўринли силга қарши кураш диспансери ташкил қилинди. «Етиборли» ташкилоти билан ҳамкорликда 19 миғдан ортиқ хомилдор аёллар шифохоналари ҳам ташкил қилинди. Қораўзада 50 ўринли яғни шифохона қурилди. Қўнғирот туманида

## ОНА ВА БОЛА МУҲОФЗАСИ

си қил касалликлар диспансери яғни бинога куйиб ўтди.

Мўйнок, Қўнғирот, Чимбой, Кегайли, Қўраўзақ, Тахтақўпир, Қониқўл, Бўзатов каби 13 туманининг чека овуллари ва Тахиташо шихрида сил касаллигининг олдини олиш ва даволашга қаратилган Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маъқуллаган «ДОТС» дастури бўйича ҳар йили мукамаллашган тиббий кўриқ ўтказилапти. Беморлар амбулатория ва шифохона шароитида даволанапти.

«Соғлом авлод учун» жамғармасининг ижтимоий-поғра наж гуруҳлари олис овулларда бўлиб, туғруқ ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларни кўриқдан ўтказишди. Касаллиги аниқланган 3050 нафар хотин-қизларга бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтида фаолият кўрсатаётган «Репродуктив саломатлик маркази» Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси томонидан видео-килик, компьютер, ксерокс, слайдоскоп ва бошқа жиҳозлар тақдим этилди.

Балонат ёшига етган ва турмуш қураётган 8124 нафар йигит-қизларга зарур тиббий маслаҳатлар берилди. Туманлардаги шифохоналарда хотин-қизлар маслаҳатхоналари фаолият кўрсатапти. Бундай марказларда ишлайётган ҳуқуқшунос, гинеколог, терапевт, психолог мутахассислари илк бор турмуш қураётган ёшлардан маслаҳатларини дариг тутишмайди. Эрта турмуш қуриш ва қариношлар ўртасидаги ниҳоннинг зарарли оқибатлари, туғруқлар орасини узайтиришнинг аҳамияти ҳақида тушуниришлар олиб борилапти.

Ҳозиргача 70672 нафар ёки зурийёда кўриш ёшидаги аёлларнинг 72 фоизига контрацептик воситалар куйилди. «Она ва бола» марказида 19 миғдан ортиқ хомилдор аёллар текширишдан ўтказиб, туғилажак болалар ўртасидаги касалликларни бартараф этиш чоралари куйилди.

Туғруқ мажмуаларидаги «Еш она» ва «Оналар мактаблари» машғулотларида 31 миғдан ортиқ аёл қатнашиб, чақалоқларни парварилаш, она сутининг аҳамияти ва болалар касалликларининг

олдини олиш соҳасидаги билмиларини мутахассислар.

Олти ойдан 5 ёшгача фарзандлари бор аёллар ўртасида «А витаминини тақлиф қилиш» ва «Йод етишмовчилигини бартараф этиш» ҳақталлиги ўтказилди. Мактабларнинг 11-синф ўқувчилари, академик лицей ва касбхона коллежлари талабалари «Репродуктив саломатлик» курси ўқитилди.

Қорақалпоқ дивериди 1 миллион 600 миғга яқин аҳоли яшади. 76 шифохона, 241 амбулатория-поликлиника, 108 қишлоқ врачлик масканларида ишлайётган 3708 нафар врач (шундан 372 таси акушер-гинеколог) ва 15477 та ўрта-махсус маълумотли ходимлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан машғул.

Мамлакатимизда ишлаб чиқилган «Она ва бола», БМТ, ЮНИСЕФ жамғармаси билан ҳамкорликдаги «Она сутининг мўъжизаси», «Қанлиққа қарши кураш», «Болалик касалликларини даволаш интеграл усулда олиб бориш», «Хавфсиз оналик» дастурларининг ҳаётга тадбиқ этилиши ёш авлод соғлиқини мутахассисларга ижобий таъсир кўрсатапти. Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Қорақалпоғистон қўмитаси раиси Л.Бойсубоновнинг таъкидлашича, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қатор муаммолар ҳам бори, уларни ҳал этиш учун шисилин чоралар қуриш лозим.

Оролбўйида азалдан соғлом ва бақувват кишилар воёга етган. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишларни таҳлил қилар экансиз, тегишли ташкилотлар, тиббиёт ходимлари ва кенг жамоатчилик баҳамжиҳат фаолият кўрсатсалар, мамлакатимиз шисолий худудларида баркамол авлод камол топишига қатъий ишонч билдириш мумкин.

Изаат ХИҚМАТОВ,  
«Ишонч» мухбири

## Бокс АФИНА ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН яна бир имконият

Бу йил XXIII ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Айни кунларда бутун дунё спортчилари ана шу нуфузли мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар учун кураш олиб боришмоқда.

Маълумотларга қараганда, юртимиз спортчилари қўлга киритган йўлланмалар сони 35 тадан ошиб кетди. Айниқса, боксчиларимиз эришган ятуқлар мақтовга лойиқ. Улар ўтган ойда Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида бешта йўлланмини қўлга киритишган эди.

Кўни кеча Хитойда ниҳоясига етган халқро турнирда боксчиларимиз яна учта йўлланмини нақд қилишди. Жамоамиз бу турнирда олти нафар спортчи билан қат-

нашди. Осиё чемпионатида совриндорлар сафидан жой олган Тўлаш Дониёров (51 килограмм вазнда) жанглари кўтарини кайфиятда ўтказиб, турнир голибига айланди. Яна бир вақлимиз Шерзод Абдурахмонов (75 килограмм вазнда) барчадан кучли эканлигини исботлади. 91 килограмм вазнда жанг олиб борган Юр Албанов финалда рақибига ютқазиб қўйди. Шундай бўлса-да, у ҳам турнир низомига қўра Афина рингларида «жанг» олиб боради.

Мураббий Шароф Худойбердиев шоғирдларни энди апрел ойида Покистонда ўтадиган яна бир халқро турнирда ўз имкониятларини синая қўради.

А. ЮСУОВ

Хабиб Аҳамий Шарқ сўзфизмининг номандаларидандир. У Басрада сарватманд оилада туғилган. Отасидан катта бойлик мерос қолгани учун ана шу маблагини одамларга қараза бериб, фойда эвазига — судурулик билан кун кечирарди.

Кунлардан бир кун Хабиб гўшт, сабзавот ва нон келтиради. Хотин қозон осиб, овкат пиширади. Таом энди тайёр бўлганда эшикдан тиланиб кириб келди. Воқеа давомини Мухаммад Сиддик Рушдий «Тазкират-ул-авлиё туркий» қўйдагиҳа қабил баён, этади: Хабиб сойилга дурушлуқ билан қичқирди:

— Мен бормини сенга берган бирла сен зардор бўлмасан, аммо мен гадой бўлиб қолурман.

Сойил номиди бўлиб энди. Қачонки мазлу таомни олгани қозонга борди, қўриқни гўшт қора қон бўлбурду. Хотин муну кўруб кўрди ва чиройи сарғайди ва Хаббининг илкдан тугуб қозон бошига келтуруб, деди:

— Кўрғилким, сенинг шумулингиндин ва молингни судга бергонингдин ва гадоёйга дурушлуқ қилгонингдин бизга на бўлбурду.

Хабиб ани кўрди эрса ичига ўт тушиқини, ҳаргиз ул ўт кам бўлғуси йўқдир. Хабиб айтиди:

— Эй хотун, таваб қилдимким минбаъд бу ишни қилмаганиман.

Шундан сўнг Хабиб қарздорлардаги пулларидан ҳам воқеа кечиб, Хасан Басрий ҳузурига борди. Бор маблагини сарфлаб, Фот дарёси соҳилда муқташам Хонақоҳ қуруб, элли Хаж йўлига ҳидоят қила бошлади. Халқ

орасида унинг рухий қудрати ва қароматлари хусусида кўп нақлар бор. Хатто у дарёдан кўрғилқис ўтиш салоҳиятига ҳам эга бўлган экан. Хабиб Аҳамий, манбаларда кўрсатилишича, қиҳрий 120 йили вафот этган.

Келтирибдурлар, бир кун намози шом вақти бирла Шайх Хасан Хаббининг масжиди олдида ўтар эрди. Хабиб намози шомга тақбир айтиди. Хасан намози шомга масжидга кирди. Хабиб намозга турди. Хасан иқтидо қилғоли келиб эрди.

Хабиб «алҳамдиллоллоҳини «алҳамд» ўқиди. Хасан «мунинг орқасида намоз ўтамак раво эрки»

жондан қочиб Хабиб Аҳамийнинг масжидига кириб яширунди.

Хажгожини қишлари излаб Хаббининг эшигига кирди.

Хабибдан сўрди: — Бу кун Хасанин кўрдингизми? Хабиб айтиди: — Кўрдум.

Сўрди: — Кайдалду? Хабиб деди: Ушбу масжидга кирди.

Масжидга кириб ҳарчанд боқдилар, Хасанин топмадилар.

Нақдқурким, йди Қўрбонга икки кун қолгонда Хаббини Басрада кўрдилар. Тонгласи арафа куну Арофатда кўрдилар.

Ҳадисда келтибдирким, «Иннало таоло назора ало совинум ва ло ало амалакум ва лақим назора ало кулбакум ва ниятакум» — Ҳақ таоло сизларнинг сўзларингизга ва қилгон амалларингизга боқмайдур ва лекин қўнгилларингизнинг ниятларига боқар ва қўнгил билла тилиннг оросида тафовут ва фарқ бисёрдур.

Нақд қилибдурлар, бир кун Шайх Хасан Ҳаж-

жондан қочиб Хабиб Аҳамийнинг масжидига кириб яширунди.

Хажгожини қишлари излаб Хаббининг эшигига кирди.

Хабибдан сўрди: — Бу кун Хасанин кўрдингизми? Хабиб айтиди: — Кўрдум.

Сўрди: — Кайдалду? Хабиб деди: Ушбу масжидга кирди.

Масжидга кириб ҳарчанд боқдилар, Хасанин топмадилар.

Хасан деди: — Неча марта илиқлари менга теғди, аммо мени кўрмадилар. Охири улар Хасанин топмай чикиб кетдилар. Андин кейин Хасан чикиб айдилар:

## ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

## Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайнидин Риҳсове (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 22.10

Мақсими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатта олинган.

IBM компьютерида терилди на саҳифаланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарк» наشريят — матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳавогада чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.